



Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ ФАКУЛЬТЕТИ  
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ КАФЕДРАСИ  
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТ  
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ IV-КУРС ТОЛИБИ  
ТУРСУНҚУЛОВ СИРОЖИДДИННИНГ

**Битириув  
малакавий  
иши**

МАВЗУ:“Талабалар соғлигини  
мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришда  
халқ миллий ўйинларининг ўрни”

Илмий раҳбар:                    ўқ Ҳақназаров Қ.

Термиз-2013

# МУНДАРИЖА

Кириш .....	3	
I-боб	Халқ миллий ўйинлари жисмоний тарбиянинг муҳим воситаси ва босқичи сифатида адабиётлар тахлили.....	8
1.1	Халқ миллий ўйинлари ҳақида умумий түшунчалар.....	8
1.2	Миллий халқ ўйинларининг моҳияти, талаба - ёшларнинг тарбиялашда туттан ўрни.....	15
1.3	Халқ миллий ўйинларининг соғломлаштирувчи аҳамияти.....	18
II- боб	Халқ миллий ўйинлари - жисмоний баркамоллик омилидир.....	22
2.1	Халқ миллий ўйинларнинг таълим тарбиявий аҳамияти.....	22
2.2	Ўқув-тарбия жараёнида миллий халқ ўйинларини режалаштириш.....	23
2.3	Саломатлик ҳақида донишманларнинг ўғитлари....	26
2.4	Мустақиллик йилларида таълим тизимига берилаёттан эътибор.....	44
	Хулоса .....	47
	Фойдаланган адабиётлар рўйхати.....	49

## К И Р И Ш

**Ишнинг долзарбилиги.** Мустақиллигимиз истиқболи ҳамда равнақи хозири ёш авлодлар тақдиди билан боғланган. Шу сабабли талаба-ёшларни тарбиялаб вояга етказиш, уларни касб-хунарга йўналтириш, астойидил меҳнат қилишга ўргатишида ҳалқ миллий ўйинларидан мазмунан мақсадли фойдаланиш зарур.

Ҳалқ миллий ўйинлари авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтиб, келаётган муҳим фаолият ва ижтимоий педагогик жараёндир. Булар орасида кураш, қўпкураш, пойга ва бошқа от ўйинлари ҳамда дарбоз, тош кўтариш, турли ҳаракатли ўйинлар муҳим ўрин тутади. Уларнинг мазмун ва шаклларида деярли барча жисмоний сифатлар билан биргаликда инсонлар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик ва ўзаро хурмат каби фазилатлар ҳам мужассамлашган.

Бу жараёнларни “Алпомиш”, “Гуруғли”, “Қирқ қиз”, “Кун туғмуш” ва бошқа ўнлаб достонларда айнан қўриш мумкин бўлади.

Ўзбекистон шароитида Наврӯз, Ҳосил байрами ва турли миллий урф одатларда ҳалқ миллий ўйинлари қадриятлар сифатида қўлланиб келинган. Айниқса, миллий мустақиллик шаклланиб ва барқарорлашаётган ҳозирги даврдан ҳалқ миллий ўйинларига эътибор қучайиб бормоқда. Бунинг боиси шундаки, Республика Президенти И.А.Каримов ва Республика ҳукумати томонидан миллий қадриятларни тиклаш ва маънавий-маърифий жиҳатларимизни янгилаш борасида муҳим қарорлар қабул қилинди. Ижтимоий-иктисодий ва маданий ислоҳатлар ўtkazilmokda.

Талаба ёшларни қасбга ўргатиш, мустақил меҳнат қилиш ва турмуш маданиятини ўстиришда жисмоний тарбия, спорт ва халқ миллий ўйинлари муҳим ўринлардан бирини эгаллайди. Шу сабабдан, “Таълим тўғрисида” ги Республика қонунида (1997 йил 29 август) жисмоний тарбияни илк болалиқдан бошлиш ва ўқув юртларида уларни янада такомиллаштириш ҳамда барча спорт турлари каби халқ миллий ўйинларидан мақсадли фойдаланиш масалалари алоҳида қайд этилган.

Маълумки, жасмоний тарбия дарслари ва дарсдан ташқари спорт тўғараклари ҳамда оммавий спорт мусобақаларида деярлик замонавий спорт турлари қўлланилади. Фақат кейинги йилларида халқ миллий ўйинларининг баъзи бирларигина жисмоний тарбия дастуридан қисман ўрин олган.

Шуни хам эътироф этиш жоизки, таниқлик олимлар Ф.Н.Насриддинова, Т.С.Усмонхўжаев, О.Т.Расулов, О.ОПўлатов, Абдумаликов ва бошқалар томонидан халқ миллий ўйинларини оммавийлаштириш, уларни жисмоний тарбия воситаси сифатида ишлатиш масалалари кўратиб чиқилди. 1991-1997 йилларда ўtkазилган турли илмий анжуманлар, малака ошириш факультетлари машғулотларида халқ миллий ўйинларининг тарбиявий томонлари ҳақида катта баҳслар олиб борилди. Ўқув ва методик қўлланмалар, илмий тўпламлар нашр этилди. Республика жисмоний тарбия ўқитувчилари булардан маълум даражада ўз иш фаолиятларида фойдаланилмоқда. Бу соҳада Жиззах вилоятининг Жиззах, Зомин, Фориш, Фалаорол, Баҳмал, Дўстлик каби туман ва шаҳарларида ҳам анча тадбирлар амалга оширилмоқда. Мактабларда

замонавий спорт турлари бўйича машғулотлар ўтказиш шароити бўлмаган ҳолларда турли миллий ҳаракатли ўйинлар, хатто пойга, отда тортиниш, кўпкари каби от ўйинларини қўллаш ҳоллари хам учраб туради. Бизнинг фикримизча, бу фаолиятлар мутахассисларнинг ижодий меҳнат қилиши ва бозор иқтисодиёти шароитларидан келиб чиқкан ҳатти ҳаракатлариdir.

Бу ўринда шуни керакки, Республика миқёсида ишлаб чиқилган (1993) жисмоний тарбия дастурида юқорида қайд этилган усуллар ҳақида ҳеч нарса қайд этилмаган. Давр тақозоси шуни талаб этмоқдаки, авваломбор барча худудларнинг географик тузилишлари ва урф одатларни ўргангандан ҳолда мактаб жисмоний тарбия дастурини қайта ишлаб чиқиш ва унда тажрибаларда амалда синалган илғор услугларини жорий қилиш масалаларига жиддий эътибор бериш керак.

Халқ миллий ўйинларини талаба ёшларга ўргатиш ва уларни кундалик ҳаётга сингдиришда спорт ташкилотлари ва олий таълими ходимлари етарли даражада иш олиб бораётир, деб бўлмайди. Шахарларда ўтказилаётган расмий спорт мусобақалари-нинг календар режасидан хам билса бўлади. Яъни халқ миллий ўйинлари бўйича расмий мусобақалар даражада, баъзи раҳбар ходимлар “Арқон тортиш”, “Билан кучини синаш”, “Тош кўтариш” турлари дастурда борлиги ва улар миллий спорт турлари, деб далил кўрсатмоқдалар. Бу турлар фақат Марказий Осиё халқларидағина эмас, хатто Европа, Америка халқларида хам миллий ўйинлар сифатида қадимдан қўлланилиб келинади. Демоқчимизки, номлари

юқорида қайд әтилган турлар жағон халқлари ҳаётига сингиб кетган умумий үйинлардир.

Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона ва бошқа қатор худудларда миллий курашларимиз қадимдан халқ орасида эъзозланб келинган ва улар ҳақли равищда спорт классифиакацияси ўз ўринларини эгаллаган, буни олқишилаш ва раҳномаларга тасаннолар айтиш лозим. Кўпкари, пойга отдан ағдариш, қиз човгон ва бошқа кўпгина от үйинлари ҳамда “Чиллик”, “Оқ суюк”, “Податўп” каби харакатли үйинларни хам талаба ёшларнинг дарсдан ташқари спорт мусобақалар ташкил қилиш, лозим бўлса бу турлар бўйича туман, вилоят ҳатто Республика мусобақаларини ўтказиш даври келди. Миллий спорт үйинларимиз билан хамжағон спорти мойдонларига чиқиши энг аввало аҳоли турар жойлари, мактаб ўқувчилари фаолиятидан бошланса мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ўринда мутахассислар, олимлар ва чавандозлар чин дидан харакат қилишлари керак бўлади.

**Ишнинг мақсади.** Халқимизга мерос қолган саҳијлик, меҳмондўстлик, ростгўйлик, тантилик, поклик ҳамда халқ миллий үйинлари ҳисобланади. Яхши ҳислатларни касб таълими жараёнида ёш авлодда шакллантириш, улар руҳиятини халқ дурдоналари билан бойитиш, миллий қадриятлардан оқилона фойдаланишга эътибор қаратиш лозим.

**Ишнинг объекти.** Республика ва вилоятларда миллий халқ үйинлари бўйича кўпгина мусобақалар ўтказиш, халқ миллий үйинларининг кўпгина очилмаган қирраларини очиш, уларни йиғиши

ва махсус тўпламларда ифодалашда ҳозирги талабалар ҳамда магистрлар лмий-ижодий йўл билан кўрсатишлари лозим.

**Ишнинг амалий аҳамияти.** Талабаларни юқори спорт даражасига етиши учун, айниқса халқ миллий ўйинларининг фойдаси бекиёсdir. Миллий халқ ўйинларини қўллаш, тезкорлик, куч-қувват, эпчиллик, чидамилий харакатларни мувофиқлаштириш, сакровчаник каби сифатларни ривожлантиришга имкон беради.

**Битирув малакавий ишнинг усуслари.** Халқ миллий ўйинлари бўйича тўплаган адабиётларни таҳлил қилиш, интернетдан, видео тасмалардан, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш. Мактабларда ўқувчи-ёшлар билан халқ миллий ўйинлардан мусобақалар ташкил қилиш.

**I-БОБ. ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ  
МУҲИМ ВОСИТАСИ ВА БОСҚИЧИ СИФАТИДА  
АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ**

**1.1. ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ ҲАҚИДА УМУМИЙ  
ТУШУНЧАЛАР**

Мамлакатимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий соғломлигини мустаҳкамлаш, фарзандларимизнинг соғлом турмуш тарзини таъминлаш, уларни спортта жалб қилиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги “Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида” ги фармонлари ижобий самара бермоқда. Спорт-соғлом авлодни тарбиялашнинг муҳим воситасидир,-деди Президентимиз. Бинобарин фақат соғлом халқ соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади.

Миллий халқ ўйинлари талаба-ёшларни соғлигини мустаҳкамлашда асосий воситалардан бири бўлиб ҳисобланади. Миллий халқ ўйинларини қўллаш тезкорлик, куч-қувват, эпчилик сифатларини ривожлантиришга имкон беради. Шу соҳа бўйича кўпгина олимлар (Т.С.Усмонхўжаев, Р.Абдумаликов, Т.Холдоров, А.Т.Содиков, Л.П.Айрапянс, Ю.Портнек, М.Н.Тўрахўжаев, Р.Соломов, Х.Мелиев, А.Ғуломов ва бошқалар) олиб борган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, умумий ва маҳсус жисмоний қобилияtlарни ривожлантиришда миллий халқ ўйинларини дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда ўтказиш ғоят самарали таъсир кўрсатишини баён қилганлар.

Саломатликни яхшилаш ва жисмоний баркамолликни юксалтирища халқ миллий үйинларининг хусусиятлари, фазилатлари ва тарбиявий моҳиятлари ўзига яраша ўринларга эгадир.

Таъкидлаш зарурки, фалсафада қарама-қаршилик бирлик қонуни деган тушунчалар мавжуд. Шу асосда фикр юритилганда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва уни янада такомиллаштириш жараёнида ижобий ва салбий томонлар борлигини инкор этиб бўлмайди. Очиқрорқ айтганда тинчлик, осойишталик, фаровонлик, ўзаро хурмат ва дўстлик йўлида ғов бўлувчи разил, ёвуз кучлар хам биргаликда ривож топиб боради. Бу қадимдан қолган салбий жиҳатлардан бири деса бўлади.

Тан олиш керакки, ёмон ниятли кишилар ва ёвуз кучларда хизмат қилувчи маҳсус жисмоний тайёргарликларга тўла эга ва хар қандай фаолиятларга қодирдирлар. Уларга қарши курашиш ва ўз-ўзини ҳимоя қила билиш мақсадида барча фуқаролар, айниқса ўқувчи ва ишчи ёшлар жисмонан бақувват, ҳимоя қилиш машқларини тўла ўзлаштириш, зарур бўлганда рақибларга хеч қандай йўл бермаслик имкониятларига эга бўлиў лозим.

Бундай фаолиятларни ўзлаштирища шарқона якка курашлар, миллий спорт турларимиз (кураш, турон, қўл жанги ва х.к.) муҳим аҳамият касб этмоқда. Шулар қаторида халқ миллий үйинларини яхши билиш, уларни амалий жиҳатдан мукаммал эгаллаш лозим бўлади. Бунда айниқса отда юриш, от устида турли хил мураккаб жанговар ҳаракатларини бажара олиш, узоқ масофаларга, тоғларга

юришда турли тўсиқлардан ўтиш, тез оқар дарёлардан кечиб ўтиш каби ҳаётий зарур бўлган амалий фаолиятларни ёшларга доимий равища ўргатиб бориш давр талаби деса бўлади.

Бундай холатларни алоҳида такидлашдан мақсад шундаки, Тошкентда 1999 й 16 февралда қора ниятли, ёвуз кучлар ҳукумат биносини портлатишига улгуришиди. Фарғона, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг баъзи худудларига ёмон ниятли кишиларнинг ғаламис хуружлари ишга тушган эди. 2001 йилнинг 11 сентябрида эса АҚШ нинг осмон ўпар мухташам бинолари, самолёт билан портлатилди, 6 минг кишининг умри завол бўлади. Оқибатда эса Афғонистон худудларида аёвсиз жанглар, оммавий қурбонлар давом этмоқда. Бундай нохуш холатлар юртимиз аҳолиси, айниқса чегарадагиларга қаттиқ таҳдид бўлиб қолмоқда. Бундай кўнгилсизликларва бахтсизликларни юртимизда ички ва ташқи ёвузликлар таҳдид солмайди, деб кафолат бериш қийин. Шунингдек юртимизнинг бошқа чегараларида ҳам доимий равища осойишталик хукм суради, деб ишониш амри маҳолдир.

Шу сабабдан Республика Президенти 2001 йил 5 октябрда фақат маҳаллий халқимизгагина эмас, балки жаҳон халқларига ёвуз кучлар, террорчиликдан огоҳ бўлишга мурожаат этиб, барча кучларни бирлаштириш, террорчиликни йўқ қилиш зарурлигини қайта-қайта ўқтирди. Эркпарвар инсонлар ўз мулоҳазаларини билдиришда юртимиз йўлбошчисининг таклифларини мақулламоқдалар.

Юқорида қайд этилган мулоҳазаларга таянилса, аҳолининг саломатлигини яхшилаш йўлида қўувчи ва ишчи ёшларнинг

жисмонан ва маънан камолатга етказиш, уларнинг барқарорлигини янада мукаммаллаштиришга тўғри келади.

Таъкидлаганимиздек, жисмоний тарбиянинг муҳим омиларидан бири сифатида ва ҳар қандай ёвуз кучларга барҳам бериш учун тайёр бўлишда халқ миллий ўйинларидан мақсадли фойдаланишга ҳаракат қилиш лозим бўлади.

Миллий қадриятлар ва халқимизнинг маънавий-маърифий маданиятини қайта тиклаш ва уларни замонавий талаблар билан бойитиш жараёнларида халқ миллий ўйинларига ҳам алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айниқса “Наврӯз”, “Қурбон ҳайит”, “Рамазаон ҳайит”, тўй маросимларини ўтказишга кенг ўрин берилиши ва уларга кураш, дорбоз, кўпкари, пойга, виз қувмок, ҳаракатли ўйинларни уларда қўллаш юртимиз истиқдоли ва аҳолининг турмуш фаровонлигидан далолатдир. Шу билан бирга миллий ўйинларининг мазмуни ва ижтимоий-педагогик моҳиятларини имлий асосда оммалаштириш мақсадларига қизиқишилар тобора кучаймоқда.

Мустақиллик йиллари даврида Республиkaning деярлик барча газеталари, журналлари, телерадиоларида халқ миллий ўйинлари билан боўлиқ мақолалар, тадқиқот натижалари, турли хил фикр-мулоҳазалар кенг ёритилиб келинмоқда. Буларда фалсафа фанлари доктори У.Қорабоев, санъатшунослик фанлари номзоди И.Абдурахмонов, журналистлар F.Рахмон, X.Сатторов, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги етакчи олимлар Т.С.Усмонхўжаев, А.Қ.Атоев ва жуда кўп мутахассис ҳамда ёш ижодкорлар сермаҳсул ишлари билан фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Педагогика фанлари доктори профессор Т.С.Усмонхўжаев раҳбарлигида нашрдан чиқарилган “Минг бир ўйин” (1001 ўйин), “Харакатли ўйинлар” ва “Кураш” дарслиги (А.Қ.Атоев) ва қатор илмий-назарий оммабоп рисолалар Ҳалқ миллий ўйинларининг мазмуни ва тарбиявий жиҳатларини ўз ичига олади. У.Қорабоевни-нг “Ўзбек ҳалқ ўйинлари” китоби қадимги аждодлардан мерос бўлиб келган турли туман ўйинларни, улани ўрганиш ва қўллаш йўлларига бағишлиланганлиги билан олқишига сазовордир. Айнан шу китобда Ҳалқ миллий ўйинларининг соҳавий турлари ва уларнинг келиб чиқиш жараёнлари ҳақида жуда бой материаллар баён этил-ган. Ундаги баъзи бир муҳим томонларни қуидагича келтириш мумкин бўлади, яъни:

1. Илдизи узоқ тарихи билан боғлиқ овчиликка доир ўйин-лар. Бунинг негизида чорвачилик юзага келганлигини таъкидлаш лозим бўлади.
2. Чорвачилик ўйинлари от, хўкиз, эшак, тужа, буғу ва б.к. ҳайвонларнинг меҳнатларидан фойдаланиш жараёнида уларнинг ҳаракатини таҳлид қиласиган ўйинларнинг юзага келиши.
3. Дехқончилик ўйинлари, одамларнинг баҳордаги меҳнат мавсумига кириши ва кузда ҳосил йиғиши кунига бағишлиланган маросим ўйинлари ижтимоий меҳнат шароитидан келиб чиқсан.
4. Шунингдек ҳалқ ўйинлари орасида бошқотирма (кросс-ворд) сўз, қўшиқ, рақс ўйинлари ҳам мазмун ва моҳият жиҳатидан фаол ҳаракат ўйинлари таркибидан жой олганлигини эътироф этиш керакдир. И.Абдураҳмоновнинг “Ўзбек ҳалқ ўйинлари” (У.Қорабоев) китобига тақриз сифатида ёндашиб (“Спорт” газетаси, октябр 2001 й)

табиатдаги иқлимий ўзгаришлар, йил фаслларига мос табиий-мавсумий ўйинларнинг вужудга келишига замин ярат-ганлигини таъкидлайди ва уларни ўуйидаги йўналишларда ифодалаб берган, яъни:

1. Худудий ва турли жойларга мос ўйинлар ҳам алоҳида туркумини ташкил этади. Муайян жойга мос ўйинлар бошқа жойда номаълум бўлган.
2. Турли ёшларга мос ўйинлар ҳар бир ёшга хос ўйинлар бор. Ёшларга оид феъл-атвор фазилатлар ўйин шакли ва мазмунини белгилаб берган. Бола улғайган сари унинг ўйини ҳам жиддийла-шиб бораверади.
3. Турли жинсдаги ўйинлари. Ҳаммабоп ўйинлар билан бир қаторда ўғил болалар ва қизлар ўйинлари, кейинчалик эса эркак ва аёллар ўйинлари ажралиб чиққан. М: ёш қизларга қўнғироқ ўйинга мойиллик сезилса, ўғил болалар эса иш ва уриш қуролларига ўхшаш ўйинчоқлар талаб қилишган.
4. Маълумот, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ўйинлар “Ов ўйини”, “Подачи”, “Хирмон-хирмон”, “Ковушим”, “Сартарош”, “Темирчи” ҳатто ҳарбийларнинг ҳам ўз маълумотларга мос келадиган “Уриш-уриш”, “Аср олиш” каби ўйинлари ижод этилган.
5. Воқеабанд (театрлаштирилган, сюжетли) ўйинлар тарихий воқеаларни ҳаётнинг таъсири, қизиқарли дақиқаларини бадиий ижодий ифодалайди. М: “Подшо-вазир”, “Эскичопон” ва х.к.
6. Ҳаракатли ўйинлар эпчиллик, чаққонлик кўпчилик мусобақачи сифатида бир неча томонлар ўртасида ўйналган.

7. Турли воситали ўйинлар. Бу ўйинларни иккига бўлиш мумкин: моддий воситалар (овунчоқ, қўғирчоқ, ўйинчоқ ҳамда таёқ, тош, тўп, ёнғоқ ва х.к.) ёрдамида амалга ошириладиган ўйинлар, иккинчиси эса маънавий ўйинлар, яъни бадиий ифодали висоталар (фикр, сўз, қўшиқ, рақс, театр кабилар) ёрдамида бажариладиган ўйинлар.

8. Ҳайвонлар иштирокидаги ўтадиган ўйинлар. Бу ҳақидаги ўйинлар кенг қадимги ҳисобланади. Қадимги аждодларимиз аввалига табиатнинг ўзида ҳайвонлар жангини томоша қилишган. Кейинчалик ҳайвонларни ушлаб, уларни ўргатиб маҳсус уюштирилган. Натижада “Бедана уриштириш”, “Хўroz уриштириш”, “Кўчқор уриштириш”, “Кучук уриштириш”, “Каклик уриштириш”, “Итлар пойгаси” кабилар пайдо бўлган.

Таъкидлаш лозимки, миллий ҳалқ ўйинлари асосида юртимиз-да жуда кўп оммавий ва нуфузли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу ўринда ҳалқ миллий ўйинлари Республика мусобақалари (1991-1994, Фориш), Олимпиадалари (1994-1996, Фориш), “Алпо-миш ўйинлари” Республика фестиваллари (1998, Термиз, 2000-Фар-ғона), “Аёллар йилига бағишилаб ўтказилган ҳалқ миллий ўйинла-ри” Тўмарис Республика фестиваллари (1999-Жиззах, 2001-Шаҳри-сабз, 2003-Наманганд) ва шу мавзулар асосида ўтказилган Республика илмий-назарий ва амалий анжуманлари моҳият жиҳатдан эътибор-га сазовордир.

Ҳалқ миллий ўйинларини ўрганиш ва уларни йирик тадбир ҳамда анжуман сифатида ўтказишда Республика хукуматининг қатор қарорлари (1993, 1996, 1999, 2000), айниқса “Алпомиш” досто-нининг

яратилишига 1000 йил тўлишини нишонлаш тўғрисидаги қарори (1998, феврал) муҳим аҳамият касб этди. Бунда Алпомиш ва Барчиной рамзий тимсолида маънавий ва жисмоний камолот тарбиячиси изчили ўрганиш, уларни ҳаётда қўллаш ҳамда оммавий-лаштириш масалалри долзарб вазифалардан бири қилиб қўйилди.

Эътироф этиш керакки, халқ миллий ўйинларининг асослари, уларнинг моҳиятлари фақат “Алпомиш” достонидагина эмас, бал-ки “Тўмарис афсонаси”, “Қирқ қиз”, “Рустамхон”, “Кунтуғмиш”, “Тоҳир ва Зухра”, “Гўрӯғли” туркумидаги ўнлаб халқ оғзаки ижоди дурдоналаридан хам мазмун топган.

Халқ миллий ўйинлари асосан кураш, кўпкари, пойга, отдан оғдариш, отда найза улоқтириш, қиличланиш, қиз қувмоқ, човғон, дорбоз, тош кўтариш, билак кучини синаш, арқон тортишиш ва турли-туман ҳаракатли ўйинлардан иборатdir.

## **1.2. МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИНИНГ МОҲИЯТИ, ТАЛАБА - ЁШЛАРНИНГ ТАРБИЯЛАШДА ТУТГАН ЎРНИ**

Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги бошқа мустақил давлатлар каби ўзининг йўлини топиб ривожланиб бораётган бир пайтда дадил қадам ташлаб ўзининг миллий халқ ўйинларини ривожлантириш масаласи бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этиши, халқимизни қадим-қадимдан миллий қадриятларимизга мансуб бўлган удумларни, халқ ижодий хунармандчилигининг ва қолаверса, халқимиз ичида кўп йиллик тарихга эга бўлган ҳаракатли ўйинларни тиклаш, уларни ривожлантириш айнан маҳаллаларда ёшларимизнинг кундалик ҳаётда ўз аксини топмоқда.

Энг аввало талаба-ёшларни тарбиялаш, уларни жисмонан ривожлантириш, аҳлоқий тарбиясини ижобий шакллантиришда маҳалла жамоалари ҳам фаол қатнашмоқдалар. Ҳурматли Президентимиз айтганларидек “Маҳалла уйинг, ота-онанг”.

Дарҳақиқат, тарбия масаласида маҳалланинг аҳамияти катта. Бу масала бўйича Республикамиз шаҳар маҳаллаларида олиб борилаётган ишлар ўсиб келаётган талаба ёшларни ҳар томонлама чиниқтириш, уларни спорт мусобақаларига фаол қатнаштириш, мусобақа натижаларини маҳалла йиғинларида тарғибот қилишда ўз аксини топмоқда.

Миллий халқ ўйинларини маҳалла ёшларимиз севиб ўйнайди, лекин ўйналаётган ўйинларнинг номларини билмаслик ачинарли аҳволдир, чунки узоқ йиллар давомида миллий ўйинларимиздан на бирон мусобақада, на бирон бир жисмоний тарбия дарсларида фойдаланилган.

Шарқ халқларининг миллий халқ ўйинлари ҳаётдан, табиатдан олинган бўлиб, ўйинлар кўп йиллик тарихга эга бўлиши билан бирга ўйинлар ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялашда асосий вазифани ўтганлиги А.Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарида, А.Темур “Ўгитларида”, Умар Ҳайёмнинг асарларида ўз аксини топганлиги яққол мисол бўлади.

Бу борада бугунги кунда маҳалла миллий халқ ўйинларимизнинг тарғибот қилишда, ўйинларни ҳаётига сингдиришда қандай амалий ишларни бажармоқда деган савол туғилади.

Маҳалладаги талаба ёшлар билан ишлаш учун алоҳида миллий халқ ўйинлари ўтказиш дастурини яратиш устида иш олиб борилиши зарур. Бундан ташқари, ўйналадиган ўйинлар классификациясини тузиб талаба ёшларни жисмоний, ақлий, рухий ривожланишига керак ўйинлар ташкил этилса, болаларда жисмоний ҳаракат сифатларига бўлган кўникма ва малака ҳосил қилинади.

Маълумки, маҳалла ўзбек миллатининг рухи, маънавияти касбкори ва миллий хусусиятлари эҳтиёжи сифатида шаклланган ижтимоий ҳодисадир. У қадим-қадимдан шарқона яшаш тарзи, миллий урф-одатлар, анъаналар, халқ удумлари тўла акс этган хурҳикмат жой бўлиб, кишиларни иймон-эътиқодли, меҳр-шафқатли, элу-юрт номусига камарбаст, талаба ёшларни жисмонан ва руҳан бақувват, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялашда бекиёс аҳамият касб этган.

Бугунги кунда маҳаллалар маҳаллий ҳокимиятнинг энг ишончли қонуний куи бўғини сифатида тан олинди.

Маҳаллага бўлган эътибор ва юксак ишончни биз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан Республика “Маҳалла” ҳайрия жамғармасининг ташкил этилиши ҳамда хукуматимизнинг маҳаллаларни ҳамда “Маҳалла” ҳайрия жамғармаси фаолиятини такомиллаштиришга оид бир қатор фармон ва қарорлари, кўрсатилаётган катта ғамхўрликлари тимсолида яққол кўришимиз лозим.

Маҳаллаларнинг бугунги кунда ва келажақда миллий истиқлол мафкурасининг шакллантиришда соғлом авлодни тарбиялашда миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида маънавий-аҳлоқий

тарбияга хос бўлган инсоний фазилатларни юксалтиришда ўзига хос мактаб ролини ўтаётгани ҳамда ўтажаги шак-шубҳасиздир.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда Республика “Маҳаллада” хайрия жамғармаси маҳаллаларда аҳолини соғломлаштириш, оммавий спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, маънавиятни юксалтириш борасида маълум ишларни амалга оширмоқда.

Хусусан талаба ёшлар онгиға умуминсоний ва миллий қадриятларни сингдириш, мактаб ва оиласининг масъуллигини тушунтириш уларни жавобгарлигини ошириш мақсадида Республика ҳалқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда “Ёш авлодни тарбиялашда маҳалла, мактаб ва оила ҳамкорлиги” концепцияси ишлаб чиқилди ва ҳозир Республикамизнинг кўплаб мактаб ва маҳаллаларида ушбу концепция асосида иш олиб борилаётгани ўзининг самарасини бермоқда.

### **1.3. ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИНИНГ СОҒЛОМЛАШТИРУВЧИ АҲАМИЯТИ**

Амалиётда ҳалқ миллий ўйинларнинг бирортасини ҳам бирорта сифатини соғ ҳолда ривожлантириш воситаси сифатида ҳисоблаш мумкин эмас.

Машғулотни ташкил этишда ўйинни танлашга алоҳида диққат-эътибор қаратилади. Бунда қуйидаги ҳолатлардан келиб чиқиши зарур:

- тарбиявий ва таълимий машқ қилиш характеристига эга бўлиши лозим;

- ўйин жараёнида ўйновчиларнинг саломатлигини мустахкамлаш, яъни ўйин соғломлаштириш вазифасига эга бўлиши шарт;
- ўйин қатнашчиларининг анатомик-физиологик ва психологик хусусиятларига ва уларнинг ҳаракат тайёргарлигига мос бўлиши лозим.

Халқ миллий ўйинлар ва эстафеталар ўтказиш жараёнида уларнинг бир хил бўлиб қолишига йўл қўймаслик керак. Акс ҳолда талабанинг ўйинига бўлган қизиқиши камайиб боради. Халқ миллий ўйинлар, нагрузкалар аста-секин оширилиб борилади. Ўйинлар ўтказилгандан сўнг уларни талабалар билан биргалиқда муҳокама қилиш, кейинчалик шу ўйинлар такрорланаётган вақтда бошқарувчилик ролини энг актив талабаларга топшириш маъқулдир.

Гимнастика машқларини бажариш вақтида турли ўйинларни ўтказиш ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки элементар ҳаракатларни бажаришни яхши билган талабалар асосий машқларни ҳам енгил бажара оладилар, ҳаракат техникасини яхши ўзлаштирадилар. Масалан: ўқитувчи 1-синф ўқувчиларидан югириш давомида тиззаларини баланд кўтаришини талаб қиласди. Бундай машқни тез ўзлаштиришда “Дўнгдан-дўнгга сакраш” ўйини жуда қўл келади. Бу ўйинда болалар тиззаларини баланд кўтариб юрадилар.

Бошланғич синфларда турли тўсиқларни енгиб ўтишга оид эстафеталар ўтказиш фойдалидир. Вазифалар жуда осон ва унча қийин ҳам бўлмаслиги керак.

Тўсиқлар хар хил турли холларда қўйилади, ҳаракатлар ҳам қўшимча вазифалар ҳисобига мураккаблашиб боради.

Баъзи болалар гимнастика машғулотларида сакраш элементларини яхши ўзлаштириб ололмайдилар, ҳаракатни тартибсиз бажарадилар. Шундай ҳолларда ўқувчиларни ўйин натижаларига қизиқтириб иш олиб бориш, ҳаракатини аниқ бажаришларини ҳисобга олиш зарур. Ҳар бир ўйинда “ғолиб чиқиши”, “ютиши” учун ўйин ва машқларини бажариш техникасини яхши билиш ва уни амалга тадбиқ қила олиш керак.

Бунинг учун ўқувчиларда диққатни бир пайтнинг ўзида бир неча нарсага қарата олиш қобилиягини ўстириш керак. Турли хил нарсалар (тўп, қопчиқ, байроқча ва хоказо) билан ўтказиладиган ўйинлар бунга мувофиқ келади. Ўйинлардаги бундай машқлар мускул-харакат сезгисини оширади, қўл ва бармоқларнинг ҳаракатлантирувчи функцияларини такомиллаштиради.

Ўйинни ўтказиш давомида талабанинг хаотларини кузатиб бориш, кези келганда уларнинг ташаббускорлигини тақдирлаб туриш керак. Бундан ташқари, талабаларнинг ўйинга нисбатан шахсий қарашлари уни билиши хам катта аҳамият касб этади.

Ҳар бир халқ миллий ўйин ҳаракатга чанқоқ талабалар учун худди байрамдагидек рухда ўтказилиши лозим. Халқ миллий ўйинлар ижобий туйғулар ўйғотади, ҳаракат активлиги оширади ва уни рағбатлантиради. Ўйинларни ташкил қилиш ва ўтказиш учун кўп деганда 8-10 секунд вақт кетади.

Талабалар ўйинларини мустақил, жисмоний тарбия ўқитувчиси бошчилигига ўтказишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил давлат сифатида дунёда тан олиниши олий таълим тизимини тубдан яхшилаш,

тайёрланаётган мутахассислар сифатини янада ошириш учун кенг имкониятлар яратади.

Талаба ёшларимизнинг ижтимоий фаол, руҳан бой ва жисмонан бақувват бўлиб тарбияланиши учун, ўқув юртларида тарбиявий ўқув жараёнини такомиллаштиришни талаб этади.

Бундай хусусиятларни шакллантиришда соғлом хаёт тарзини кўриш ва талабаларни келажакка тайёрлаш, организмнинг вазифалари, муҳим системаларини хар томонлама ривожлантириш, маътадил ўсишни таъминлашга чақирувчи, жисмоний тарбия муҳим ўринни эгаллайди.

Соғлиқни мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия, инсоннинг ижодий имкониятлари кўламини кенгайтиради, шахснинг аҳлоқий-иродавий сифатларини шакллантиради, турли меҳнат фаолиятини амалга оширишда организмнинг ҳаракатини такомиллаштиришда тезлик ва аниқликини таъминлайди, меҳнатсеварликка ўргатади.

Ёш авлодни жисмоний тарбиялаш масаласига ҳозиргача жуда кўп тадқиқотлар бағишлиланган. Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш керакки, жаҳон педагогик фани талаба ёшларининг жисмоний тарбияси, уларда жисмоний сифатларни ривожлантириш, системали машғулотлар орқали жисмоний маданиятга эҳтиёж ва мунтазам қизиқишини ўйғотиш муоммаларига ҳамиша алоҳида дикқат қилиб келмоқда, гарчи бир қатор ишларда у ёки бу тарзда мазкур муаммо ҳакида фикрлар юритилган бўлсада, ўзбек халқи миллий ўйинларнинг ўсмирлар жисмоний тарбиясида ҳам, халқ педагогикасида ҳам тўлиқ ҳолда маҳсус тадқиқоти бўлган эмас.

## **П-БОБ. ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИ - ЖИСМОНИЙ**

### **БАРКАМОЛЛИК ОМИЛИДИР**

#### **2.1. ХАЛҚ МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ**

Ўзбек халқ миллий рақс элементлари ва маҳсус машқларниң таълим-тарбиявий аҳамияти ниҳоят даражада катта эканлигини амалиёт кўрсатиб турибди.

Шуниси ачинарлики, бу тажрибалар ҳозирга қадар мактаблар, олий ва ўрта маҳсус таълим ўқув юртлари амалиётида қўлланилмаган. Бунинг устида кўпчилик ўқитувчилар ўзбек халқ миллий ўйинлари ва маҳсус машқлардан фойдаланиш ҳақидаги маҳсус илмий китоблар, дарсликлар, услугубий қўлланмалардан фойдаланишади.

Бунинг устида ижтимоий воқийлик, педагогик амалиёт ва назария кенг омма ўртасида туғилиб, ривожланиб келаётган халқ педагогикасининг энг яхши ютуқларини самарали қўллаш, халқ педагогикаси ғоялари асосида фикр юритиш ўқув тарбиявий ишнинг муваффақиятининг таъминловчи, ҳал қилувчи омиллардан эканлигига гувоҳлик беради, ўсиб келаётган авлоднинг тарбия системасида халқ педагогикаси тажрибалари талаба ёшларниң характеристи ва онгини бошқарувчи восита, асосий куч деб ҳисоблаймиз.

Мустақил Республикализнинг порлоқ келажаги учун, унинг жаҳонда энг нуфузли, бой ва кучли мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун фикран баркамол, билим доираси кенг кадрлар керак.

Бунинг учун эса жисмонан соғлом ва бақувват талаба ёшларни тарбиялаш зарур.

Ўзбек халқининг ўзига хос миллий урф-одатлари, ажойиб анъаналари бўлган.

Бу ўйинлар ёш авлоднинг жисмонан бақувват ва соғлом улғайишига жуда қўл келган. Кичик мактабдаги ўқувчи ёшларни ўзбек миллий халқ ўйинлари орқали тарбиялаш имкониятларидан бири шуки, улар болалардан ватанпарварлик, халқлар ўртасидаги дўстлик ва хурмат каби маънавий-маърифий туйғуларини шакллантиришга катта таъсир кўрсатади.

## **2.2. ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ**

Ўқув ишларида, спортнинг халқ миллий турларини режалаштирища бошқа бўлинмалар бўйича дастур материаллари ўрганилади ва жисмоний машқларнинг турлари ҳисобга олинади. Шунингдек қўпгина халқ миллий ўйинлар талабада жисмоний харакат сифатларини, у ёки бу қўникма ва қобилиятни ривожлантириш учун фойдаланилади. Машғулотнинг фойдали бўлиши ўқув жараёнида халқ ўйинларининг рағбатлантирилишига боғлиқ.

Ўйин ташкил этган катта ёшдаги кишилар ҳам ўйинда иштирок этса янада қизиқарли бўлади. Ўйиннинг тартиб қоидаларига илк кундан эътибор бериш лозим. Бу болаларни тўғри, ростгўй, мард, жасур бўлиб тарбияланишларига ёрдамлашади. Демак, халқ миллий ўйинлар ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясига ҳар томонлама таъсир этади. Шунинг учун ҳам ўйин давомида уларга ростгўйлик,

үртоқлик, дўстона ўйин бўлиши, бу ерда рақибини енгиш деган фикрларни тўғри тушунтириш керак.

### **“Қармоқча ўйини”.**

“Қармоқча” - халқимизнинг қадимий ўйинларидан бўлиб, уни очиқ хавода ёки бино ичида жисмоний тарбия дарсларида ҳамда танаффус вақтларида ўтказиш мумкин. Ўйин учун 3-4 метрли арқонча керак бўлади. Арқончанинг бир учига кичик халтачада қум ёки қипик боғлаб қўйилади.

Ҳамма талабалар доира хосил қилиб турадилар. Бошловчи доира ўртасида туриб, арқончанинг ўз атрофида айлантира бошлайди. Арқонни айлантирганда халтача ердан баланд кўтарилимаслиги лозим. Ўйинчилар оёқларига халтача тегиб кетмаслиги учун сакраб турадилар. Арқон учига боғланган халтача ўйинчининг оёғига тегса, у қармоқقا илинган ҳисобланади ва доира ўртасига чиқади. Энди бу ўйинчи бошловчи сифатида арқонни айлантира бошлайди.

Ўйин нихоятда оддий ва қизиқарли бўлганлиги учун талабалар унда ўз маҳоратларини намойин қила оладилар. Ким чаққон ва хушёр бўлмаса, қармоқقا илинаверади. Ўртага тушган ўйинчилар бу ўринда узоқ туриб қолмасликлари учун ўйинчиларни тезроқ қармоқقا илинтириб олишга харакат қилинади, яъни арқонни айланиш тезлигини оширади ёки пасайтиради. Ўйин қизиқроқ ўтиши ўқувчига боғлиқ.

Ўйинни мураккаблаштириш яъни ўйинчилар қўлига копток бераб, улар ўйин давомида коптокни бир-бирларига узатиб туришлари мумкин.

Бу ўйин ўсмирларни хушёрлик ва чанқоқликка ўргатади, оёқ мушаклари кучини оширишга, мия вестубуляр аппаратини ривожлантиришга, эпчиллик қобилиятини мустаҳкамлаш ва оширишга хизмат қиласи.

### **“Кучлилар ва чаққонлар” ўйини.**

Икки жамоа доира атрофида аралаш бўлиб саф тортиб турадилар, бунда бир команданинг икки ўйинчиси ёнма ён туриб қолмаслиги лозим.

Доира ичига саккизта чиллик қўйилиб, ўртасига тўп ташлаб қўйилади.

Рахбарнинг сигнали билан ўйинчилар бир-бирларининг қўиларидан тутиб рақибларни доирасига киритиш ва чиллакларни йиқитишга мажбур қиласидилар. Чиллакни йиқитиб юборган ўйинчи тўпни олади ва хар томонга югириб кетган рақиб ўйинчиларни тўп билан мўлжалган олади.

Отилган тўп ўйинчига тегса, унга бир очко берилади. Ўйин қайтадан бошланади. Агар тўп тегмаса, у холда тўп отган ўйинчининг командасига иккита жарима очко берилади. Камроқ жарима очко олган команда ғолиб чиқади.

Тўпни жойдан қўзғалмасдан отиш керак, тўпни қайта отиш мумкин эмас.

### **“Ҳаракат қилувчи чамбарак” ўйини.**

Ўйинчилар иккита колонна бўлиб, бир-бирларига қарама-қарши томонда иккита жамоа ҳосил қилиб турадилар. Колрнналар қртасидаги масофа 4-5 м профессионал маҳоратини ошишига ёрдам беради. Қуйида халқ миллий ўйин намуналаридан келтирамиз.

**“Доирада торт ўйини”.**

Ерга ёки полга ўйин иштирокчиларининг сонига қараб доира чизилади. Ўйинчилар бир-бирларини қўлларидан ушлаган холда доира атрофига чизилган чизик ташқарисида қўл ушланиб туришади. Бошқарувчининг буйруғи билан ўйинчилар бир-бирлари билан доирага тортиб киритишга харакат қиласидар. Доира чизигидан ичкарига қадам қўйишга мажбул бўлган ўйинчи ўйиндан чиқади, ўйин давом этади.

Ўйинчилар камайган сари доира хам кичикроқ бўлиб боради. Ҳаммадан кейин қолган ўйинчи кучли ва эпчилидир.

### **2.3. САЛОМАТЛИК ҲАҚИДА ДОНИШМАНДАРНИНГ ЎҒИТЛАРИ**

Республика Президенти И.А.Каримов 2000 й май ойида бўлиб ўтган Олий мажлис сессиясида “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” ги қонунининг янги таҳрирда қабул қилишда нутқ сўзлаб, спорт соҳасидаги эришган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, “Пахтакор” футбол жамоасининг аввалги анъаналарини қайта тиклаш, “Алпомиши” ва “Барчиной” маҳсус талабларини оммага сингдириш учун ўқув юртларининг “Жисмоний тарбия” дастурларини янгидан ишлаб чиқиши, умумтаълим мактабларда жисмоний тарбия дарсларини кўпайтириш ва бу билан ўқувчи ёшларнинг жисмоний камолотини юксалтириш лозимлигини алоҳида қайд этди.

Бундай талаблар буюк келажагимизнинг маънавий ва жисмоний камолотта етишган инсонларини тарбиялаб етиштириш

йўлларини илмий-педагогик жиҳатдан асослаб беришни тақозо этади. Шу сабабдан босиб ўтган тарихий йўллар ва маънавий-маърифий маданиятизниң моҳиятлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалар, илмий-назарий меросларни ўрганиб, таҳлил қилишга тўғри келади.

Авваломбор эътироф этиш лозимки, юртимиз мустақиллиги ва унинг истиқболидаги тараққиётлар чексиз ҳамда кенг қирралидир. Бунда маънавий ва жисмоний баркамоллик маданияти муҳим ўринлардан бирини эгалламоқда.

Ҳар бир тарихий давр ва ижтимоий-маданий тараққиётларнинг ўзига хос хусусиятлари, тарбиявий-педагогик жараёнлари равнақ топиб келган. Шу ўринда ҳозирги мустақиллик истиқлолимизни мустаҳкамлаш ва тараққий қилган мкмлакатлар қаторида бўлиш учун қилинаётган фидойилик, меҳнат ва саъй харакатлар Ўзбекистон аҳолисининг турмуш маданиятини юксалтириш, тинч-осойишталик билан яшаши ва меҳнат қилишини таъминлаш, айниқса ўқувчи ёшларни маънавий ва жисмоний камолотга йўллашга қаратилганигини олий мақсадлар-дан биридир.

Республика Президенти И.А.Каримовнинг Соҳибкирон Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишлиланган тантанада сўзлаган нутқида: “Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шон-шуҳратини юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир”, деб бежиз айтмаган.

Бундай шароитларга эриштириш мақсадида юртимизда мухим аҳамиятта молик бўлагн улкан тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Қомуси (1992), “Таълим тўғрисида” (1997), “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида” (2000) қонунларнинг қабул қилиниши, “Соғлом авлод” давлат дастурининг жорий этилиши, юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш билан боғлиқ кўпгина қарорларнинг (1993, 1996, 1999, 2000) қабул қилиниши Республика аҳолисининг, кўпгина ўқувчи ёшларнинг соғлигини мустахкамлаш, уларни хар томонлама камолотга эриштириш, буюк келажакнинг баркамол авлодларини тарбиялаш масалаларини очиқ-ойдин кўрсатиб берди. Бундай улкан ва улуғвор тадбирлар аҳолининг турмуш маданиятини юксалтиришда ва соғлом авлодни етиштиришда мухим омиллардан бирига айланмоқда.

Ижимоий турмуш маданият ва соғлом турмуш тарзи деганда энг аввало ҳаёт кечириш ва меҳнат жараёнида зарур бўлган шарт-шароитларга, яъни моддий, маънавий, маданий жиҳатдан таъминланиш, энг илғор мафкуралардан мақсадли фойдалана олиш, тинч-осойишта яшаш, оила ва маҳаллада (қишлоқ) иттифоқлик, ўзаро ҳамкорлик, дўстлик каби инсоний фазилатларни ўзига сингдириб олишни тушуниш ҳозирги куннинг асосий мазмунидир.

Юқорида зикр этилган кўп қиррали ва кенг қамровли ижтимоий-тарбиявий жараёнларни ҳаётга сингдириш, айниқса оила, мактаб, барча тарбия муассасаларида, шунингдек меҳнат жамоаларида мустақиллик инъом этган мафкура, ғоялар, маънавий-

маърифий қадриялар, ғуур ва миллий ифтихор тушунчаларини янада кенгроқ ёйиш, уларга тўла амал қилиш йўлларини билишни одатлантиришни замон тақазо этмоқда.

Бунда илмий-педагогик мерослар, аждодларнинг урфодатлари, донишмандалрнинг ўғит-лари муҳим аҳамият касб этиши турли соҳалар каби жисмоний маданият ҳаракатида ҳам ўз ифодаларини топмоқда.

Бошқа тақидлаганидек, тарихий ривожланиш, аждод ва авлодларнинг мерослари, аниқса инсонларнинг саломатлигини яхшилаш, болаларни тарбиялаш ва бошқа соҳаларда изҳор этилган маълумотлар, далиллар ва ўғитлар ҳозирги қунда ҳам мазмун ва моҳият жиҳатдан катта роль ўйнамоқда.

Бунда “Авесто”, “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Қирқ қиз”, “Тоҳир ва Зухра”, “Шоҳсанам ва ошиқ Ғариф”, “Кунтуғмуш”, “Рустамҳон” каби жуда кўп достонлар-даги ижобий қаҳрамонларнинг рамзий фаолиятлари ўзига хос хусусиятларга эгадир.

Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Бизнинг заминимиз баҳодирлар ва ҳимоячиларимиз бўлган полвонлар ва ботирларга азолдан бой ва уларни меҳр билан парвариш қилиб келмоқда”.

Бундай таъриф ва тавсифлар юртимиз ёшлирини Ватан ҳимояси, тинчлик ва осойишталикни таъминлаш йўлида, шунингдек ёшлиарнинг касб-хунарларни қункт билан ўрга-тиш, ҳаётда қўллаш каби муҳим маъсулиятларга даъват этмоқда.

Эътироф этиш лозимки, Ўзбекистон аҳолисининг турмуш маданияти ва унинг равнақи қадим замонлар билан чамбарчас боғ-

лангандир. Шарқона кийиниш, тўй-тomoшалар, тули миллий маросимлар, қариндош-уруг, қўни-қўшни, айниқса қудачилик йўлида борди-келди қилиш, меҳмондўстлик, дастурхонни турли нознеъматлар билан тўлдириш, тўйларга сарф бўладиган моддий манбаълар жамғариш, ор-номус учун курашиш, уят, ийманиш, изтехзолик каби ижтимоий-тарбиявий жараёнлар миллий қадриятлар тарзида узоқ йиллардан буён давом этиб келмоқда.

Бу ўз навбатида аждодлар меросини қадрлаш, ўтмишга ҳурмат, маънавий маърифий маданиятимизни тўлдириш, тобора уларни давр талаб-лари асосида бойитиб бориш каби маътабар тояларни ривожланти-ришга қаратилмоқда. Бу йўлда халқ миллий ўйинлари ўзига хос ва мос хусусиятлардан иборатdir.

Ўзбек халқ миллий ўйинлари мажмуини ўзида мужассамлаштирган “Алпомиш” достонининг ижтимоий-маданий ҳамда тарбиявий жиҳатлари, Алпомиш ва Барчиной рамзида миллий қадриятлар, ор-номус ва паҳлавонлик каби муҳим жараёнлар мадҳ этилганлигининг гувоҳи бўлиши мумкин.

Достонда тасвиrlаниши-ча “Ўзбек қизининг (Барчиной) айтган сўзи шу бўлди: “Пойга қиласман, отини ўздирганга тегаман, минг қадамдан танга-пулни урган қарағай мерганга тегаман”- деган шартларини Қоражон алп-та етказади. Бундан маълумки, қадимги авлод-аждодларимиз турмуш қуришда йигитларни ҳар томонлама чиниққан бўлишини талаб қилганлиги намоёндир. Шу билан биргалиқда эл-юрт орасида адоват бўлмаслиги, тўй-тomoша ва полvonликни кўрсатишдаadolat бўлишини истаганлар.

Бундай рамзий маънолар ҳозирги замон даврида яшаётган барча халқлар учун жуда зарур эканлигини ҳам тан олиш керак бўлади.

Ўзбек халқининг севимли ўйинларидан бири кураш “Алпомиш” достонидан Алпомиш ва алпларнинг энг зўри Кўкаaldoш ўртасидаги олишувлар қуидагича тасвир этилган, яъни:

**Иккови майдонда айланиб юрди,**

**Иккови белма-бел бўлиб олади,**

**Белма-бел олишса айрит бўлади,**

**Жуда ҳам олишди бу икки қайсар.**

**Шунда Барчин Алпомишга қаратадейди:**

**Йиқолмасанг, тўрам, навбат тилайин,**

**Эркак либосини ўзим кияйин.**

**Кўп сўзларни Барчин сулув айтади,**

**Сўзи Алпомишга ботиб кетади.**

**Ўтдайин тугашиб шунқор кетади,**

**Ғайрати-ғайратга бекнинг етади.**

**Чирпиб Кўкаaldoш кўкка отади,**

**Анча ер ҳавога чиқиб кетади.**

**Алп Кўкаaldoш бу осмондан келади,**

**Калласиман келиб ерга уради.**

Донишманларнинг айтишича, ҳар бир афсонанинг тагида бир ҳақиқат ётади. Юқорида айтилган байтлардаги тасвиirlар афсо-на бўлса-да, ажододларимиз маданиятида паҳлавонларнинг қурашиши

ўша давр ва қадимги замонларнинг орият, адолат йўлидаги ўта муҳим тарбиявий воқеликдан дарак беради.

Қадимдан таркиб топиб ҳозиргача оғиздан-оғизга ўтиб келаётган мақолалар, маталлар, қўшиқлар, эртаклар ва ривоятлар, шунингдек турли хил тарихий манбаълар, асарлар, халқ оғзаки дурдоналари ҳамда илмий-назарий меросларида инсон саломатлигининг моҳиятлари, унинг қадр-қомати, ижтимоий-турмуш шароитлардаги ўрни ҳақида жуда кўп ва маънавий-маърифий жиҳатдан бой ўғитлар сақланиб келинмоқда.

Энг муҳими шундаки, уларда болаларни ёшлиқдан соғлом ва бақувват қилиб ўстириш, уларни меҳнат ва хунарга ўргатишда жисмоний машқлар, турли ўйинлар-дан фойдаланиш йўллари ўз ифодасини топган. Уларнинг баъзи бир йўналишлари ва намуналаридан мисол келтириш мумкин бўлади.

Мусулмон оламининг муқаддас китоби Қуръони Каримда ва пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳадисларида соғлом турмуш тарзи нинг асосий томонларидан ҳисобланган тозаликка риоя қилиш, тоза ва покиза юриш, хушхулқ ва меҳнатсевар бўлиш, бадан аъзоларини доимо ҳаракат қилдириб туриш, мўътадил овқатланиш кабилар билан бир қаторда ёшларни меҳнат қилиш, касб-хунарга ўргатиш, жисмонан чиниқтиришга ҳам алоҳида эътиборни қаратган.

Бу йўлда қўйидаги насиҳатларни эслашнинг ўзи кифоя қиласи, яъни “Болаларингизга сузиш ва ўқ отишни ўргатинглар, кучли мўмин кучсиз мўминга қараганда маҳбуброқ ва Аллоҳга яқинроқдир, от пойга қилиш жоиздир. Ўқ отиш ўйиндир, ўқ отишни ўрганинглар, чунки у машғулотларнинг яхшиларидан биридир,

кимки ёшлигида ўқ отиш санъатини яхши эгаллаб, сўнг уни тарк этиб юборган бўлса, демак у улуғ неъматлардан бирини қўлдан берибди. Сафар қилинг-лар соғлом бўласизлар ва ризқланасизлар” ва ҳ.к.

Бундан кўриниб турибдики, Ислом дини ҳам кишиларнинг саломатлиги унумли меҳнат қилиши, касб-хунар эгаси бўлиш учун доимо соғлом бўлиб юриш, керак пайтларда жанговарлик фаолиятларни ҳам ишлата билиш зарурлигини эътироф этади.

Мусулмон шарқида ҳар соҳада донишманлар кўп ўтган. Улар орасида Фаробийнинг фалсафаси, тиббиёт ва инсоният фаолиятида зарур бўлган муҳим тарбиявий жараёнлар ҳақида қимматли фикрлар билдирган. Буюк олим сифатида Фаробий (780-850) “Қалб ҳолатини мўтадил сақлаш учун соғлом вужуд зарур”-деган иборасининг мазмунида инсон танасининг соғломлиги, унинг вазифалари мужассамлигини англаш мумкин бўлади.

Шунингдек унинг фикрича жисмоний тарбия шахсни ҳар томонлама камол топтирища муҳим омиллардан бири деб ҳисоблайди ва тарбиячи ҳам, тарбияланувчи ҳам мустаҳкам танага эга бўлишини кўзда тутади.

Яна шуни эътироф этиш керакки, Абу Абдуллоҳ Мұҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорийнинг “Хадис” ларида “Ҳайит куни қиличбозлик, найзабозлик ўйинларининг жоизлиги, Каъбага пиёда боришини аҳд қилган киши ҳақида каби бобларида ёшларнинг ўз маҳоратларини халққа намойиш қилиш ҳамда узоқ масофаларга пиёда туриб, ўз соғлиқларини мустаҳкамлаш, қийинчиликларга бардош бериш, бу билан эса асл мақсадларига-Ҳаж қилишга эришишларини тасвир этган.

Бу ўз навбатида барча мусулмонлар-ни ҳаж қилиш йўли билан уларни чидамли, ҳайри-эҳсон, ўз куч-кудратини оширишга даъват этганлиги сир эмас. Бундай гоялар барча кишиларни, аниқса ёшларни соғлом, бардам, чаққон, тозаликка риоя қилиш, пиёда юришларга ўргатиш каби тарбиявий жараёнлар билан доимий равища банд бўлишни тавсия этади.

Шу сабабдан Шарқнинг буюк алломалари Имом Исмоил Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ахмад Яссавийларнинг ижодий фаолиятлари, ҳадис ва бошқа асаоларида оиласда бола тарбияси, уларни ҳар қандай меҳнат ва шароитларга чидамли қилиб тарбиялаш заруриятлари олий мақсад қилиб қўйилганигини билиш мумкин бўлади.

Жаҳон тиббиёти оламида машхур бўлган олим, файласуф, шоир, шифокор Абу Али Ибн Сино (980-1037) тиббиёт жисмоний тарбия таълими назарияси ва услубиёти жараёнига улкан ҳисса қўшиш билан бир қаторда соғлом турмуш, маънавият ва жисмоний камолотнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқди ва илмий мерос сифатида қолдирди.

Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асаридаги учинчи қисмнинг 17 фаслдан иборат бутун иккинчи бўлимини кишилар саломатлиги учун курашда жисмоний машқлардан фойдаланиш масалаларига бағишлиланган. Бу бўлимининг дастлабки сатрларидаёқ жисмоний машқлар билан шуғулланиш ва ундан кейин овқатланиш тартиби ҳакида уйқу тартиби саломатликни сақлашда ва ҳар томонлама камолотга етишишда мухим шарт эканлиги қайд этилган.

Олимнинг жисмоний машқларни ўзига хос тарзда турларга бўлишининг ҳам катта аҳамияти мавжуд. Жисмоний машқлар хилма-

хил бўлишини алоҳида изоҳлаган. Булар кичик ва катта, жуда кучли ва суст, секин ёхуд илдам, бир неча кескин ва тез ҳаракатлардан иборат бўлиши, энг тез билан суст машқлар ўртасидаги мўъта-дил машқлар бўлиши мумкинлигини ҳам билдирган.

Тез бажариладиган машқлар туркумiga қуидагиларни кўрсатади, яъни: тортишув, муштлашиш, ўқ, ёй отиш, тез юриш, найза улоқти-риш, баланддаги бирон буюмга сакраб осилиб олиш, бир оёқда сакраш, қилич ва найза билан қиличбозлик қилиш, чавандозлик, иккала қўлни силкитиш ва ҳ.қ.

Равон ва енгил машқлар жумласига эса: арғимчоқ ва беланчакда (ҳалгинчак) тик туриб, ётиб силкиниб, қайик ва кемаларда сайр қилиш кабиларни эслатади. От ва тия миниб юриш, тахтира-вон ва араваларда юриш кучли машқлар жумласидир, дейди Ибн Сино.

Шунингдек ўз сояси билан олишиш, шаполоқ уриш, сакраш, найза учи билан санчиш, катта ва кичик тўп билан човғон ўйнаш, тўп ўйнаш, курашга тушиш, тош кўтариш, от чоптириш ва чопиб келаётган отни тўхтатиб қўйиш кабилар кучли машқлар ҳисобланишини таъкидлаган.

Умуман олганда Ибн Синонинг жисмоний тарбия ҳақидаги ўлмас илмий мерослари ҳозирги давр мутахассислари томонидан янада қўпроқ ўрганилиши ва уларни ҳаётта сингдириш йўлларини тарғибот қилиш лозим бўлади.

Буюк саркарда, йирик давлат арбоби, қонуншунос, талантли мемор, нотик, руҳшунос Соҳибқирон Амир Темур (1336-1405) ўз аскарларини жангларда енгилмаслик учун отда чопиш, найза сан-

чиш, отдан ағдариш, ерда курашиш, қиличлашиш каби мураккаб жисмоний машқларни бевосита ўзи ўргатган, уларни чиниқтирган.

Алихон Соғуний ва Ҳабибулло Кароматовлар форсчадан таржима қилган “Темур тузуклари” китобида Амир Темур “Жангужадал, уруш майдонига кириш, қўшинни сарфлаш ва ғаним лашкарини синдириш тузуги” бўлимида шундай дейди: “...У ҳар бир сипоҳ фавжини уруш аслаҳаларидан бири деб билсин, ва ўқ-ёй, ойболта, қилич, гурзи, пичоқ ва ҳанжар каби ҳар бир фавжни ўз ўрни келгандা ишлатсин.

Ишбилармон лашкарбоши, ўзини ва тўққиз сипохий фавжини бир тандек кўриб, уларни қўл, оёғи, боши, қўкраги ва бошқа аъзоларини ишлатиб курашувчи бир паҳлавон-дек ҳисоблансин”.

Буюк бобокалонимиз Соҳибқирон Амир Темур ўзининг бу китобида: “Черик тузиб, навкар олмоқقا уч қоидага амал қилдим. Биринчидан-йигитнинг куч-қувватига, иккинчидан-қилични ўйната олишига, учинчидан-ақл заковатию-камолатига эътибор қилдим.

Бу уч фазилат жамул-жам бўлса, навкарлик хизматига олдим. Негаким, куч-қувватли йигит ҳар қандай қийинчиликларга, азоб-уқубатларга чидами бўлади, қилич ўйната оладиган киши рақибини мағлуб эта олади, навкар ҳар жойда ақл-идроқини ишга солиб, мушкулотни бартараф этмоғи мумкин”.

Бундай ўғитлар ҳозирги ёшлиарни Ватан ҳимоясига тайёрлаш, уларнинг жисмоний камолотини меъёрига етказишида ҳалқ миллий ўйинлари Амир Темур қўллаган жанг санъати машқлари, ўйинлари зарурияти бор.

Саломатлик, жисмоний камолот, касб-хунар ва меҳнатга муносабат, уни шакллантириш усуллари ҳақидағи фикрлар ХІҮ асрда яшаб ижод этган шоир, хатто табиб ва хаким Шахобиддин Абдулкарим ўғлиниң бир қатор асарлари, яъни “Шифо алмараз” (касалликлар давоси), “Тибби Шахобий” (Шахобий табобати) ва х.к. ларда атрофлича ёритиб берилган.

Жумладан бу асарларда соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш, түғри овқатланиш, пархез, жисмоний машқлар билан шуғулланиш, бадан аъзоларини доимо ҳаракат қилдириб туриш кабилан хусусида фикр юритади, уларни шеърий мисралар орқали баён этади:

**Агар бўлсин десангиз ҳатим кўп соз,  
Пархездан келтиринг бўлсин қишу ёз,  
Хилма-хил аччиқдан ўзни тут ҳар дам,  
Қорнингни тўлдирма, бўш қўймангин ҳам.  
Ким еса гар киши соғлиқ бўлар ёр,  
Кўп еса сиҳати ранждан тору мор.  
Овқатни бир пайтда егин, эй одам,  
Мол доим егандек емагин ҳар дам.**

Бундай ўгитлар ҳозирги даврда ҳам ўзининг қиймати билан машхурдир, дейиш мумкин. Шунингдек, яна кишиларнинг ҳар доим мўтадил жисмоний ҳаракат қилишга чақириб, шоир дейди:

**Ҳакимлар жисмоний ҳаракат қилмоқ,  
Керак, деб айтмишлар бўлиб иттифоқ.  
Отда ё пиёда юришар гоҳо,  
Юришдан тўхташар чарчашса аммо.  
Ўртacha ҳаракат қилинган маҳал,**

**Коринда бор овқат тезда бўлар ҳал.**

**Дармон пайдо бўлар томирларда ҳам,**

**Ўзини сезар киши тетигу бардам.**

**аммо ошиб кетса юришнинг ҳади,**

**Юз берар айтилган фойданинг зидди.**

Бундай ҳаётий ва илмий-маърифий фикрларни ҳозирги ўқувчи ёшларга анатомия, гигиена ва б.к. фанларда таълим бериш жараёнларида эслатиш, уларнинг моҳиятларини ўша давр кишилари қандай тушунган ва изоҳлаганликларини билишни сингдириш лозимдир.

Саломатлик ва унинг омили сифатида жисмоний тарбияга эътибор масалалари ҳақида айтилган илғор педагогик қарашлар фалаккиёт илмининг асосчиси Мирзо Улутбек (1393-1449) ва ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири, буюк давлат арбоби, жаҳон адабиётининг мислсиз сиймоларидан бири, шеърият султони ҳазрат Алишер Навоийнинг (1441-1501) буюк асарларида ҳам юқори кўтаринки руҳида ўз ифодасини топган.

Улутбек киши соғлом ва кучли бўлиши керак, бунинг учун эса ёшлиқдан жисмоний машқлар: дор устида юриш, кураш тушиш, қиличбозлик ва х.к. билан шугулланиш зарурлиги ҳақида таълим берган. “Шундай кишигина,-дейди Улутбек ғам-ташвишга камроқ мойил бўлади ва Ватанни душмандан ҳимоя қила олади”.

Алишер Навоий шахсни шакллантиришга унинг соғлиги, жисмоний ривожланиши ва соғлом турмуш кечиришга катта эътибор берган. Унинг севимли адабий қаҳрамонлари (айниқса Фарход, Искандар, Бахром ва х.к.) жисмоний соғлом жасур ва марб бўлиб ҳар

доим ҳанимлар устидан муваффақият қозонишганлигини кўрамиз. Навоий яхши инсонларнигина ўзгаларга яхши сабоқ ва таълим бера олади, улар ҳар доим кишиларни ҳайрли ишларга йўллайди ва унга раҳбарлик қилади, деб баҳо беради. Тарбиянинг бу усули ўқувчиларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда, миллий қадриятларнинг моҳиятларига етишда муҳим педагогик куч-қудрат ҳисобланиши табиийдир.

Алишер Навоий ўз асарларида шунингдек, овқатланиш. ичкилиkbозлик ва нашавандлик каби иллатларини ҳақорат қилиб ва кишиларни бу иллатлар йўлидан йирокда бўлишга чақиради.

**Бодага кўргузса киши хийралик,  
Ақл чироғига берур тийралиқ.  
Гарчи сувдек Софию мавзун эрур,  
Сувлигидин ўтлиғи афзун эрур.**

Айтиш лозимки, бу сатрларда буюк шоир боданинг (спирт ичимликлари) инсон танаси ва ақлига қанчалик салбий кўрсатиши, ундан четда ўзини сақлай олиш кераклигини огоҳ этган.

Сир эмаски, ҳозирги мустақиллик шароитимизда бодани сув ўрнида истеъмол қилувчилар, унинг натижасида кўнгилсиз ҳодисалар юз бериш ҳолатлари учрайди. Айниқса вояга етган ёшлар орасида чекиш, ичиш, гиёҳвандлик, бузғунчилик, ўғрилик каби иллатлар давом этаётган бир вақтда оила, маҳалла, ўқув юртлари, меҳнат жамоалари ва б.к. жойларда Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг панд-насиҳатлари, ўғитларини кўпроқ эслатиш, намуна қилиб кўрсатиш лозим бўлади.

Бундай мураккаб ва ўта маъсулиятли жараёнларда жисмоний тарбия мутахассислари кўпроқ фикр юритишлари, уларни амалда бажаришлари шарт бўлади.

Шу ўринда бир фикр туғилади, яъни ҳар бир инсонни, айниқса болалар ва ўқувчи ёшларни ҳар қандай шароитда ҳам (яхши-ёмон ҳолатлар) ўзини тута билиш, Аллоҳнинг зулми, қонунлар белгилар берган чегаралар, ота-оналар, ака-укалар, маҳалла аҳллари ва ҳ.к. ни кўз олдидан ўтказиш, ўзини тута билишдек кучли неъматларини ҳазм қила билишга ўргатиш керак. Бу унчалик осон эмас, шундай бўлсада, жуда кўпчилик кишилар, ёшлар бунга тўла амал қилаёттанликлари жуда қувончли ҳолдир.

Шарқ халқлари, айниқса Ўзбекистонда Темурийлар сулоласи, улар даврида яратилган маданий, тарихий обидаларда таълим-тарбия ва саломатлик жараёнлари мужассамлашиб кетган.

Машхур саркарда, подшо ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1553) ўзининг ҳарбий юришларидан бирини баён этар экан, манзилгоҳда полвонлар курашга тушгани, қайиқчи (эшкакчи) паҳлавон Лоҳурий Дўст Ёсин Хайр деган полвон билан олишганлиги, иккаласи узоқ вақт курашгани, Дўст Ёсин рақибини жуда қийинчилик билан йиқитганлигини алоҳида таъкидлаган.

Таъкидлаш зарурки, жисмоний тарбия ва спорт тарихини ўрганишда анча меҳнат қилган мутахассис олимлар Р.Исмоилов, Ю.Шолмицкийлар “Ўзбекистонда физкультура тарихи” (1968) ўқув қўлланмасини яратдилар. Унда Бобур ва унинг авлодлари даврида кураш, отда пойга ва сув спортига доир жуда кўп маълумотларни келтирғанлар.

Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг турли ҳудудларида яшаб ижод қилган шоир, табиб ва хаттолар Юсуф ибн Мухаммад ибн Юсуф ат-Табиб ал-Ҳаравий (XV-XVI аср), Ҳаким Давоий ал-Гилоний (XVI аср) Сайид Муҳаммад Ҳасрат (XVIII аср) асарларида ҳам саломатлик, соғлом турмуш даражаларининг турли жабҳалари, айниқса баданни доимо тоза тутиш, тўғри ва меъёрида овқатланиш, бўш вақтни зое кетказмасдан ундан мақсадли ва унумли фойдаланиш, кишилар билан хушхулқ муомилада бўлиш, ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товламаслик, ичкибозлик каби зарарли иллатлардан узоқда юриш, бадан аъзоларини доимо фаол ҳаракат қилдириб бориш, сафар ва сайрлар қилиш каби хусусиятлар ҳақида ёзиб қолдирилган ибратли фикрлар жуда кўп.

Сайд Муҳаммад Ҳасрат ўзининг “Низоми сихҳат” (Саломатликни сақлаш қоидалари) китобида жисмоний машқлар билан шуғулланиш зарурлиги, унинг фойдаси, турлари ва белгила-ри тўғрисида жуда қимматли фикрлар берганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин, яъни:

**Ўқ отмоқ ва ёки тошни ирғитмоқ,**  
**Гўй ила чавғонда ўйинга ботмоқ.**  
**Елкаю-қўлларни қилас мусафро,**  
**Бўйину белга ҳам айни муддао.**  
**Яна тез юрмоқдан бадан пок бўлар,**  
**Тиззаю болдирга куч-қувват тўлар.**  
**Умумий риёзат нимадир инсон**  
**Минмоғи чопмоқдир эрта-кеч ҳар он.**  
**Пиёда юрмоқ ҳам умумий бўлар,**

## **Баданнинг ҳаммаси фойдага тўлар.**

Табиб Юсуфий эса ўзининг “Қасида дар ҳафизи сихҳат” (соғлиқни сақлаш ҳақида қасида) асарида камҳаракатлилик соғломликка ўта зид эканлигини таъкидлайди, яъни:

**Эйки, ғайрат ичра машхур, жим ётиш айни зарар,  
Йиғилур тан ичра ундан фойдасиз хилтлар ёмон.**

Шуни хам алоҳида эслаш лозимки, ёшларнинг маънавий ва жисмоний камолатига оид илғор ижтимоий-педагогик қарашлар Кайковуснинг “Қобуснома”, Фирдавсийнинг “Шойхнома”, Юсув ХосХожибининг “Қутадғу билик”, Носир Ҳисравнинг “Саодатнома”, Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон”, Жомийнинг “Баҳористон”, Наовийнинг “Саъди Искандарий”, Аҳмад Донишнинг “Ўғилларга насиҳат”, Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби асарларида ўз ифодасини топганлиги ҳозирги куннинг муҳим тарбиявий омилларига айланмоқда.

Бу йўлда яқин ўтмишимизнинг донишманд олимларидан бири Абдулла Авлоний ҳам анча мукаммал ва пухта фикрлар берганлигини кўриш мумкин, яъни: “...ўқимоқ, ўқутмоқ, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучлик, касалсиз жасад лозимдир. Соғ баданга эга бўлмаган инсонлар амалларинда, ишларинда, ибодатларинда камчилик қилурлар.

Маишатимизни роҳатда бўлмоғи жасадимизнинг соғлом бўлмоғига боғлиқдир. Биз сихатимизни сақламоқ или амр ўлингандан (қилингандан), шунинг учун вужудимизни ҳафизи-сихатга зид бўлган ёмон одатлар или чуритмақдан сақланмоғимиз лозимдир. Бадан тарбиясининг фикр тарбиясига ҳам ёрдами бордур.

Жисм ила рух иккиси бир чопоннинг ўнг ила териси кабидур. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб астарини ювиб овра бўлмоқ кабидурки, хар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керақдур”.

Абдулла Авлонийнинг бундай чуқур фикрлари ва ўғитларида жуда катта маъно ётади ва улар ҳозирги инсонларни, энг аввало ўқувчи ёшларни миллий қадриятлар, маънавий-маърифий маданият, миллий ғуур ва ифтихор хис туйгуларини тўла англашга чорлаш билан биргалиқда доимий равишда соғлом бўлиш, ўқиши ва меҳнат жараёнларида ўз қобилияtlарини ишга солиш, энг муҳими жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва халқ миллий ўйинлари билан мунтазам шуғулланиб туришга чорлайди.

Бу эса ўз навбатида соғлом авлод давлат дастури, “Алпомиш” ва “Барчиной” маҳсус тестлари талабларини изчил бажариб боришига одатлантиришда муҳим даражада ҳизмат қилиши лозимдир. Шу сабабдан ўқиши ва меҳнат жараёнларида фаолият кўрсатувчи жисмоний тарбия ходимлари аждодларимиз меросларини чуқур ўрганишлари, уларни соғлом фикр йўли билан таҳлил қилишлари, ҳамда барча ўғитларни амалда бажаришга ҳаракат йўлида соғлом қилиб тарбиялаш, буюк келажак авлодларининг баркамол бўлиб юришларини таъминлашга ҳизмат қилиши зарурдир.

Хулоса қилиб айтганда соғломлаштирувчи омиллар таркибиага киравчи барча жисмоний фаолиятлар, ҳаётда учрайдиган табиий амаллар, халқ миллий ўйинлари қадимги аждодларимиз-дан қолган буюк мерос ва бебаҳо неъматдир. Булар ҳақида олий даражада

фикар юритган ва ўзларининг ўғитларини изҳор қилиб кетган буюк алломалар, донишманлар, давлат арбобларининг жисмоний тарбия, саломатлик, инсон фаолияти, ақл-заковати ҳақида сўнмас асарларини ўрганиш, ҳозирги давр тақазоси билан ҳаётга боғлаш муҳим вазифаларидан бири бўлмоғи керак.

## **2.4. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА БЕРИЛАЁТГАН ЭЪТИБОР**

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ҳамда жабҳаларда, ҳар томонлама қарор топаётган шароитларда жамиятимизда юз берадиган туб ижтимоий-сиёсий ва илмий ўзгаришлар, умуминсоний қадриялар тизимида шахс олимига қўйиладиган эътибор ва талаблар ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий ахлоқий ва жисмоний имкониятларини янада тақозо этади.

Янгича инсонни тарбиялашнинг мураккаб, сермашаққат ва кўп қиррали муаммоси аввало инсоннинг ўз соғлиги тўғрисида ўзи қайғуришлари маданиятини сингдиришидир.

Ҳаракатли ўйинларни танлаб олишда тарбиячи болаларнинг ёш хусусиятларини ҳамда жисмоний машқларни танлаш қоидани асосларини ҳисобга олишни унутмаслиги керак.

Оилада эса жисмоний ривожланишни амалга оширишда албатта ота-онанинг ўрни каттадир. Улар ҳалқ миллий ўйинларни танлаб олишда, энг аввало, шу ўйинларни жисмоний ҳамда ахлоқий психологик таъсири томиларини назарда тутиш лозим. Ўйин вазифаси ҳалқ миллий ўйинлар билан биргаликда талабаларнинг

рухиятини тарбиялаш инсоний фазилатларни ривожлантириш ҳам лозим.

Ўйинни ташкил этишда барча шарт-шароитларни албатта тўғри хисобга олиш ҳам катта аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳам керак бўлган хамма имкониятлардан тўғри, ўринли фойдаланиш керак. Ўйин учун зарур бўлган ўйин қуролларининг ранг-баранглиги, замонавий, талабаларни ўзига жалб этадиган бўлиши зарур.

Ҳалқ ижодиёти ва археологик қазилма материалларини ўрганиш шуни кўрсатадики, ўтмишда ҳам хозирда Ўзбекистон худудида яшовчи ҳалқлар жисмоний тарбия ва спорт элементлари билан шуғулланиб келган.

Жисмоний машқларнинг миллий турлари асрлар давомида кишиларнинг меҳнатда фаолияти белгиларидан сайқалланган доимо шахсни функционал тайёрлашнинг хусусий воситасига айланиб борган ва аниқ фаолият майдонда меҳнат унумдорлигини юксалтириш воситасидек фойдаланган. Жисмоний машқларнинг алоҳида миллий турлари малака ва маҳоратларнинг зарурий харакатчалигини мукаммаллаштириш учун фойдаланилади. Ҳалқ анъаналарида кўпинча харакатчан сифатида намоён бўлган жисмоний машқларнинг турлари ривожланган.

Ҳалқ миллий ўйинлар умумтаълим, академик лицей ва касб хунар коллажлари, олий ўқув юртлари ўқитувчи ва талаба ёшлари учун жисмоний тарбия дарсларида ҳамда спорт машғулотларида айрим спорт малакасини ҳосил қилиш, ривожлантириш ва такомиллаштиришда қўлланилади.

Хозирги пайтда спортнинг миллий турлари ўзининг ижтимоий ва биологик фаолиятини йўқотмаган ва жисмоний тарбия умумтаълим ўрта маҳсус ва олий ўқув юртларидағи ўқиш жараёнида мажбурий элементлар бўлиши керак.

Жисмоний тарбия машғулотларида фойдаланиш қуидаги омиллар билан белгиланади:

- шуғулланувчиларнинг ёши мослиги, жинсий ва психологияк хусусиятлари;
- дарс ва дарсдан ташқари машғулотларнинг холати, вазифаси ва мақсадининг мос келаши;
- асосий эътиборини қулай харакатларни шакллантиришга, психофизиологик сифатлар, ижтимоий талаб асосларига қаратиш;
- жисмоний машқларни хилма-хил йўналишда вақтида алмаштириши;
- психологик-рухий тайёргарликни мустаҳкамлаш.

## Х У Л О С А

Жисмоний ва маънавий баркамолликни тарбиялаш ҳозирги давр муаммоларидан биридир. Ўзбекистонда миллий қадриятлар мазмунида халқ миллий ўйинлари ва улар таркибидаги ҳаракатли ўйинлар мазмун ва моҳияти жиҳатдан эътиборга моликдир.

Улар мустақиллик шарофати туфайли кенг оммага табора сингиб бормоқда. Шарқ халқарининг миллий ўйинлари ҳаётдан, табиатдан олинган бўлиб, ўйинлар қўп йиллик тарихга эга бўлиши билан бирга ўйинлар ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама тарбиялашда асосий вазифани ўтганлиги А.Фирдавсийнинг “Шохнома” асарида, А.Темур “Ўгитларида”, Умар Хайёмнинг асарларида ўз аксини топганлиги яққол мисол бўлади. Ҳаракатли ўйинларимиз Республиканинг барча қишлоқ ва туманларида ёшлар томонидан ўйналиб келинмоқда.

Хозирги пайтда талаба ёшларимиз ўртасида шундай ўйинлар мавжуд: “Чиллик”, “Тошни чуқурчага тушириш”, “Тошни мўлжал-та от”, Варрак“, “Лайлак“, “Булбулча“, “Мерғанлик“, Қўлда куч синаш”, “Бедана каклик”, “Ҳўроз уриштириш” шулар жумласидан- дир.

Миллий ўйинларимиз серҳаракатлиги барча организм ва мускулларни ўстирувчанлиги, чидамликка ўргатувчи ҳаракатлардан ташкил топганлиги билан бошқа халқлар ўйинларидан тубдан фарқ қиласи.

Халқимиз орасида ҳар бир фаслга мос ўйинлар мавжуд бўлиб ўйналиб келинган. Ўзбек миллий ўйинларини катта-ю кичик ва хатто хотин-қизлар томонидан севиб ўйналмоқда.

Талаба ёшларнинг потенциал имкониятларидан фойдаланиш даркор. Шу боисдан “Соғлом авлод учун” муаммосининг хал этилишига ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбия воситалари билан соғломлаштиришга муҳим давлат вазифаларидан бири деб қарашиб даркор.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т."Ўзбекистон", 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқололи ва тараққиёт йўли. Т."Ўзбекистон", 1992.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин.раққиёт йўли. Т."Ўзбекистон", 1994.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т."Ўзбекистон", 1991.
5. Ўзбекистон Республикасининг конституцияси. Т: "Ўзбекистон" 1992.
6. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" га қонуни. Т: "Ўзбекистон" 1997.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг "Республика "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик Марказининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори. 1993.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Соғлом авлод учун" орденини таъсис қилиш тўғрисида"ги фармони. 1993, 4 март.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 271-сонли қарори. 1999, 27 май.
10. "Алпомиш" ва "Барчиной" маҳсус тестлари ҳақида Низом. "Спорт" газетаси, 2000, 29 февраль.
11. Р.Абдумаликов., Р.К.Қурдатов., К.Д.Ярашев. Кўпкари. Илмий оммабоп рисола. Т: ЎзДЖТИ нашриёти, 1997.

12. И.Абдураҳмонов. Миллий ўйинлар-миллат кўрки. “Спорт” газетаси. 2001, 31 октябр.
13. А.Қ.Атоев. Фарзандларимиз соғлом бўлсин десангиз. Т: Ибн Сино, 1991.
- 14.“Алпомиш” достони. 1-2 китоб. Т: “Ўзбекистон”, 1992-1993.
15. Ҳ.А.Ботиров. Жисмоний тарбия ва спорт тарихи. Оммабоп китоб. 1993.
- 16.Норқобил Жалил. Чавондозлар ўтган бу юртда. Мақола. “Спорт” газетаси. 1991, 6 январ.
- 17.О.Т.Расулов., О.О.Пўлатов ва б. Ўзбек халқ ўйинлари, уларниң таснифи ва тавсифи. Т: ЎзДЖТИ нашриёти. 1996.
- 18.Соғлом авлод тарбияси-буюк давлат қуриш заминидир. Илмий тўплам. Т: 1993-1994 (1-3 китоблар).
- 19.Т.С.Усмонхўжаев, П.Хўжаев. 1001 ўйин. Т: “Ўқитувчи”, 1991.
- 20.К.Д.Ярашев. Оммавий соғломлаштирувчи жисмоний тарбия ва халқ миллий ўйинлари бўйича мутахассислар тайёрлаш масалалари. Монолог. Т: ЎзДЖТИ нашриёти. 1997.
- 21.У.Корабоев. Ўзбек халқ ўйинлаи. Монолог. (ўқув қўл.) Т: “Санъат”, 2001.
22. Термиз ва Фарғонада ўtkazilgan “Алпомиш ўйнлари” Республика фестивалларига бағишланган илмий анжуманларининг илмий тўпламлари (1998, 2000).
- 23.1999 й. Жиззах ва 2001 й Шахрисабзда ўtkazilgan “Тўмарис ўйинлари” Республика фестивалларига бағишланган илмий анжуманларининг илмий материаллари (тўплам). Жиззах-1999, Қарши-2001. Наманган-2003.